

Андижон тумани

АНДИЖОН ТУМАНИ

Андижон шаҳрининг марказий қисмида жойлашган. 1926 йил 29 сентябрда ташкил этилган. Жалақудук, Хўжаобод, Асака, Олтинқўл, Балиқчи, Избоскан ва Пахтаобод туманлари билан чегарадош. Майдони 0,4 минг кв. км. Ахолиси 198,4 минг киши. Андижон туманида 1 та шаҳарча ва 9 та қишлоқ фуқаролар йигини (Бўтакора, Ёрбоши, Кунжи, Найман, Орол, Оқёр, Хакан, Хартум, Харабек) бор. Маркази Куйганёр шаҳарчаси.□

Табииати:□ Андижон тумани релефи пасттексилик, қир ва адирлардан иборат. Шимолий-шарқида Андижон-Отчопар, Тешиктош адирлари ва Харабек, Бўтакора, Ёрбоши қирлари мавжуд. Иқлими кескин континентал. Июлнинг ўртacha харорати 27,3, январники минус 3 даражада. Вегетация даври 160-180 кун. Йилига ўртacha 225 мм. ёғин тушади.□

Туманинг шимолий ва шимолий-шарқидан Қорадарё, Андижонсой оқиб ўтади. Совукбулоқ булоғи, Усмон Юсупов номидаги Катта Фарғона канали, Қуи Улугнор канали, Куйганёр насос станцияси, Кўтарма насос станцияси, Чинобод, Асака ташламалари бор. Туман адир қисмининг тупроғи арзик, қолган ерларда бўз тупроқ. Баҳорда адирлар эфемер ўсимликлар билан қопланади. Экин экилмайдиган ерларда шувоқ-шўра ўсади. Ёввойи хайвонлар кам учрайди. Судралувчилар, кемирувчилар, қушлар бор. Ахолисининг аксари қисми ўзбеклар; рус, тоҷик, уйғур, қирғиз ва бошқа миллат вакиллари хам бор, 1 кв.км.га 533 киши тўғри келади.

АНДИЖОН ТУМАНИ ҲОКИМЛИГИ

Ҳокими: Исамидинов Улугбек Халимович

Иш вазифаси: Туман ҳокими туманда олий мансабдор шахс боълиб, айни бир вактда худудда вакиллик ва ижроия ҳокимиятини бошқаради. Оъз ваколатларини яккабошчилик асосида амалга оширади. Шаҳар ҳокими Оъзбекистон Республикаси Конституцияси, «Маҳаллий давлат ҳокимияти тоғрисида» ги Оъзбекистон Республикаси Ўонуни, Оъзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, қарорлари ҳамда Вазирлар Махкамаси ва вилоят ҳокими қарорлари билан белгиланган ваколатлар доирасида ижроия ҳокимияти фаолиятини ташкил этади.

Телефонлар: 0 (374) 222-25-02 Факс: 0 (374) 222-25-02

Манзил: 170600, Андижон тумани, Куйган-ёр шаҳарчаси, 1 уй

Иш кун вақти ва тартиби: 09:00-18:00 // Обед 13:00 дан 14:00 гача

 ЭХАТ: andtuman@exat.uz □  E-mail: andtuman@andijan.uz □

Мурожаатлар учун: 0 (374) 373-21-90 □  ИШОНЧ ТЕЛЕФОНИ: 0 (374) 373-14-63

Web Site: www.andtuman.andijan.uz